

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИШ, САНОАТДА,  
КОНЧИЛИКДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ  
БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ  
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**681** «Тозаланган табиий мой кислоталари ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
14 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2274-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 5 сентябрдаги 199-сон «Тозаланган табиий мой кислоталари ишлаб чиқариш ходимлари учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқ-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

лаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2274, 2011 йил 4 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 40-сон, 441-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Б. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 20 июнь,  
63-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаярини  
геологик ўрганиш, саноатда, қончиликда ва  
коммунал-маиший секторда ишларнинг  
бехатар олиб борилишини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил  
20 июндаги 63-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Тозаланган табиий мой кислоталари ишлаб чиқариш  
ходимлари учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш  
тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг муқаддимасидан «(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 5-сон, 223-модда)» ҳамда «(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 28-29-сон, 234-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Қоидаларда:

а) муқаддимадан (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда), (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ҳамда (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 234-модда) деган сўзлар чиқариб ташлансин;

б) 4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан, шу жумладан ноқулай ва алоҳида меҳнат шароитларида ишлаганлик учун ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар берилиши юзасидан давлат назорати меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мажбуриятлари бажарилиши устидан назорат қасаба

уюшмаларига ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахс томонидан амалга оширилади.»;

в) 6 ва 7-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ташкилотларда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқиши ва тасдиқланиши лозим:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш, санитария-соғломлаштириш бўйича қоидаларни ўз ичига олган жамоа шартномаси;

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарори билан тасдиқланган Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ юритиладиган иш жойининг меҳнат шароитлари харитаси;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;

ходимлар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича назорат юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ходимларга ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

ҳар бир касб ва иш турлари учун меҳнат муҳофазаси бўйича йўриқномалар.

7. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Элликта ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.»;

г) 34 — 38-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

35. Ташкилот раҳбарияти касаба уюшмаси қўмитаси ва соғлиқни сақлаш муассасаси билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаши зарур.

36. Тиббий кўриклар ташкилотга тиббиёт хизмати кўрсатувчи даволаш-

профилактика муассасалари томонидан, агар улар бўлмаган тақдирда ташкилот жойлашган жойдаги ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилади.

37. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

38. Ташкилот раҳбарияти ўз ходимларининг мажбурий тиббий кўриктан ўз вақтида ўтиши учун ва мажбурий тиббий кўриктан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш натижасида фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарарли оқибатлар учун жавобгар бўлади.».

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК билан келишилган.

*Давлат архитектура ва  
қурилиш қўмитаси раиси*

**Б. ЗАКИРОВ**

*2017 йил 23 май*

*Ички ишлар вазири*

**А. АЗИЗОВ**

*2017 йил 23 май*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**А. ШАДМАНОВ**

*2017 йил 23 май*

*Меҳнат вазири*

**А. АБДУҲАКИМОВ**

*2017 йил 23 май*

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси*

**Қ. РАФИКОВ**

*2017 йил 23 май*

*«Ўздавэнергоназорат»  
инспекцияси бошлиғи*

**А. НИМАТУЛЛАЕВ**

*2017 йил 23 май*

28 (788)-сон

— 267 —

681-модда

*Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги бош директори*

*А. ХАИТОВ*

*2017 йил 23 май*

*«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ  
бошқаруви раиси*

*А. РАМАТОВ*

*2017 йил 23 май*

*«Ўзпахтасаноатэкспорт»  
ХК бошқаруви раиси*

*А. КАМАЛОВ*

*2017 йил 23 май*